

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ПИРИМОВ ТУЙЧИ ЖУМАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА БОҒЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР
ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРГА НООРГАНИК ҚЎШИМЧАЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Пиримов Туйчи Жумаевич

Маҳаллий хомашёлар асосида боғловчи материаллар ҳамда минерал
уғитларга ноорганик қўшимчалар олиш технологияси..... 3

Пиримов Туйчи Жумаевич

Технология получения неорганических добавок к вяжущим
материалам и минеральным удобрениям на основе местного сырья
..... 21

Pirimov Tuychi Jumayevich

Technology for obtaining inorganic additives to binders and mineral
fertilizers based on local raw materials 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ПИРИМОВ ТУЙЧИ ЖУМАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА БОҒЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР
ҲАМДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРГА НООРГАНИК ҚЎШИМЧАЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1918 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сейтназаров Атаназар Рейпназарович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Сабилов Бахтиёр Тохтаевич
техника фанлари доктори

Алланиязов Давран Оразымбетович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот

Навоий давлат кончилик институти

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.30.12.2019.Т.20.03 рақамли Илмий кенгашнинг « 04 » декабрь 2021 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1; Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: info@karsu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78

Диссертация автореферати 2021 йил « 22 » ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил « 22 » ноябрдаги 3 - рақамли реестр баённомаси).



Реймов А.М.
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Курбаниязов Р.К.
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,
т.ф.н., доцент

Туремуратов Ш.Н.
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида магний бирикмаларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бўлган ёндошувлар шуни кўрсатмоқдаки, маҳсулотнинг сифатини ошириш билан биргаликда унинг таннархини камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бир қатор технологик жараёнларни замонавий ривожлантиришда тозалик даражаси 97-98 % дан кам бўлмаган магний оксидни ишлаб чиқариш талаб этилади. Тоза магний оксиди танқислиги шароитда захираси анча кўп бўлган маҳаллий силикат магнийли, жумладан серпентинитли рудаларни комплекс кислотали қайта ишлаш муҳим ҳисобланади. Ундан ташқари портландцемент маркасини пасайтирмайдиган, тайёр маҳсулот таннархини камайтиришга имкон берадиган серпентинитнинг кремнийли қолдиғидан, металлургия саноати чиқиндиларидан ва каолин қумидан минерал қўшимчалар сифатида фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Дунёда маҳаллий хомашё ресурслари ва саноат чиқиндиларидан магний оксидини ва цементга минерал қўшимчаларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада хом ашёни кислотали парчалашни ўз ичига олган, юқори магний миқдорига эга бўлган юқори кремнийли серпентинитни комплексли қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишда, қуйидаги илмий-техник ечимларни бажарилишига: кремнийли қолдиқни, темирли концентратни, магний гидроксидини ажратиб олишга, магний гидроксидига термик ишлов бериш орқали куйдирилган магнезия олишга, ҳамда серпентинитнинг кремнийли қолдиғи, каолин қуми, пўлат қуйиш ва қурғошин-цинк ишлаб чиқаришининг шлаклари асосида портландцементга модификацияланган минерал қўшимчалар таркибини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кенг миқёсда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида янги конларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Арватен серпентинитини магний оксиди ва суюқ ўғитларга кислотали қайта ишлаш технологиясини, ундан ташқари саноат чиқиндилари асосида портландцементга модификацияланган минерал қўшимчалар таркибини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта йўналишдаги Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини кескин ривожлантириш чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда денгиз суви, кўллар рапаси ва рассолларидан магнийли бирикмаларни олиш бўйича кенг илмий материаллар мавжуд (Курнаков Н.С., Жемчужный С.Ф., Бергман А.Г., Дзенс-Литовский А.И., Соколов И.Д., Martinac V., Labor M., Shand M.A., Kramer D.A., Мирзакулов Х.Ч., Тожиев Р.Р., Бобокулова О.С., Кучаров Б.Х., Эркаев А.У.). Ушбу хомашё манбалардан олинган магний гидроксиди ва оксиди юқори сифати билан тавсифланади (97-99% MgO). Аммо уларни қайта ишлаш жараёни мураккаб ҳисобланади. Магний ишлаб чиқаришда хомашё сифатида захираси кўп бўлган доломитни ҳисоблаш мумкин (Мирзакулов Х.Ч., Михлиев О.А., Адылов Ж.). Аммо доломитдан термик ёки кимёвий усулларда тоза магний оксиди олиб бўлмайди, чунки маҳсулот таркиби кальций ва бошқа бирикмалар билан ифлосланади.

Магний оксидининг энг мақбул хом ашё манбаси сифатида серпентинитни ҳисоблаш мумкин. Унда 40-45 % гача MgO мавжуд. Охириги йилларда турли хил конлар серпентинитларини қайта ишлашнинг кўплаб технологиялари ишлаб чиқилган, уларнинг асосини кимёвий жараёнлар: кислоталар (H_2SO_4 , HCl, HNO_3) билан парчалаш ёки аммоний тузлари билан қиздириш ташкил этади (Габдуллин А.Н., Калининченко И.И., Байгенженов О.С., Сагарунян С.А., Нажарова Н.Л., Тетерин В.В., Фрейдлина Р.Г., Иоффе Е.М.). Аммо табиий серпентинитнинг ҳар бир кони ўзига хос (минерал таркиби ва хоссалари ўзгарувчанлиги боис), шу сабабли маълум технологияларни Арватен серпентинитининг муайян шароитига қўллаб бўлмайди. Ҳар қандай хом ашёни ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлашнинг мақбул шароитини танлаш учун алоҳида илмий ва технологик тадқиқотлар талаб этилади.

Цемент сифатини пасайтирмасдан таннархини камайтиришнинг самарали усули минерал қўшимчалардан фойдаланиш ҳисобланади. Бу борада юқори кимёвий фаолликка эга бўлган саноат чиқиндилари диққатга сазовордир (Бутт Ю.М., Сычев М.М., Искандарова М., Кадырова З.Р., Мухамедбаев А.А., Курдина А.С., Газиев У.А.). Уларга бокситли, нефеленли шлаклар, ИЭС куллари, каолин чиқиндиси, фосфогипс, пўлат ва мис ишлаб чиқариши шлаклари, фаол кремнеземлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу табиий хомашёни термик ва кислотали қайта ишлов бериш билан таъминланади, бунда саноат чиқиндилари аморф ҳолатга ўтади ва ортиқча энергияга эга бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Маҳаллий хом ашё ресурслари асосида бирламчи ҳамда азот-, фосфор- калий- ва олтингугуртли минерал ва органоминерал ўғитлар олиш технологияларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа ва № 2/121 рақамли «Айланма печнинг максимал иссиқлик кучланиши ва ўтказиш қобилятини аниқлаш. “QIZILQUMSEMENT” АЖ нинг №1, №3 айланма печларининг максимал кучланиши ва ўтказиш қобилятининг синовлар натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Арватен кони серпентинитини магний оксиди ва суюқ ўғитларга кислотали қайта ишлаш, ундан ташқари саноат чиқиндилари асосида портландцементга минерал қўшимчалар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Арватен кони серпентинитининг тўлиқ кимёвий ва минералогик таркибини аниқлаш;

Арватен серпентинитини сульфат- ва нитротсульфат кислотали парчалаш жараёнини тадқиқ этиш;

серпентинитни кислотали парчалаш маҳсулотидан кремнийли қолдиқни ажратиш, ҳамда фильтратни $pH = 7,5$ гача аммонийлаштириш йўли билан Al ва Fe оксидлари чўкмасини ажратиш;

магний гидроксидини олиш мақсадида нитрат ва магний сульфат ва аммоний сульфат эритмаларини $pH=11,5$ гача аммонийлаштириш. Магний гидроксидига $800^{\circ}C$ да термик қайта ишлов бериш йўли билан магний оксидини олиш;

аммоний нитрати ва сульфати эритмасини суюқ ўғитларга қайта ишлаш;

серпентинитдан магний оксидини ва суюқ ўғитлар олишнинг технологик тизимини ишлаб чиқиш ва моддий балансини тузиш;

серпентинитни магний оксид ва суюқ ўғитларга қайта ишлашнинг техник-иқтисодий ҳисобини бажариш;

серпентинитни кислотали парчалаш асосидаги кремнийли қолдиқни, каолиннинг кумли флотацион чиқиндисини, пўлат эритиш ва кўрғошин-цинк ишлаб чиқаришининг шлаklarини цементга қўшимча сифатида жалб этиш;

саноат чиқиндиларидан портландцемент ишлаб чиқаришда фойдаланиш самарадорлиги бўйича техник-иқтисодий ҳисобларни ўтказиш;

“Бекабад-Огнеупор” ҚҚда Арватен серпентинитини магний оксид ва суюқ ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ва “ALBUS CEMENT GROUP” ҚҚ-МЧЖда портландцементга модификацияланган минерал қўшимчалар таркибининг тажриба-саноат синовларини ўтказиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида серпентинит, сульфат ва нитрат кислоталар, аммиакли сув, кремнийли қолдиқ, темир тутган чўкма, магний оксиди, каолиннинг кумли чиқиндиси, металлургия ишлаб чиқаришининг шлаklари, боғловчи материалларга минерал қўшимчалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Арватен серпентинитини магний оксиди ва суюқ ўғитларга сульфат- ва сульфат нитрат кислотали қайта ишлаш, ундан ташқари цементга минерал қўшимчалар тайёрлаш жараёнлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик-механик ва рентгенографик, ИК-спектроскопик, термогравиметрик, электрон-микроскопик таҳлил усуллари, ундан ташқари ишлаб чиқариш шароитларига мослаштирилган тажриба синовлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари қўллаган ҳолда Арватен серпентинитида кристаллик тузилиши бўйича ўзаро бир-биридан кескин фарқ қилувчи минераллар (антигорит, хризотил, форстерт, лизардит, тальк ва магнетит) мавжудлиги аниқланган;

серпентинитни сульфат кислотали парчалашда, унга кам миқдорда нитрат кислотасини қўшиш йўли билан жадаллаштириш усули таклиф этилган;

серпентинит парчаланиш маҳсулотларини босқичли қайта ишлаш орқали бир вақтнинг ўзида иккита маҳсулот – 97 %-ли MgO ва таркибида 17 % N тутган ўғитлар олишнинг мақбул шароитлари асосланган;

илк бор серпентинитнинг кремнийли қолдиғидан, пўлат эритиш ва қўрғошин-цинк ишлаб чиқариши шлаklarини термик фаоллаштирмасдан цементга минерал қўшимчалар олишнинг шароитлари ва таркиби асосланган;

серпентинитни магний оксидга ва суюқ ўғитларга кислотали қайта ишлаш технологияси, ҳамда портландцементга модификацияланган минерал қўшимчалар таркиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

серпентинитни сульфат- ва нитратсульфат кислотали қайта ишлаш йўли билан магний оксиди ва суюқ ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

серпентинитнинг кремнийли қолдиғини, каолиннинг кумли чиқиндисини, пўлат эритиш шлаки ва қўрғошин-цинк рудаси чиқиндисини қўллаш орқали цементга модификацияланган минерал қўшимчалар таркиби яратилган;

магний оксид ва суюқ ўғитлар ишлаб чиқаришининг технологик тизими ишлаб чиқилган ва ундаги қурилмалар расмийлаштирилиш ифода этилган, магний оксиди ва суюқ ўғитлар ишлаб чиқаришининг техник-иқтисодий параметрлари баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари, агрокимёвий ва тажриба синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, қўшичма равишда, цементга минерал қўшимча – кремнийли қолдиқни ва металлургия учун темир тутган концентрат – оғир металллар чўкмасини ажратиб олиш орқали магний оксиди ва суюқ ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун негиз яратилганлиги билан, ундан ташқари саноат чиқиндиларидан фойдаланиш

орқали портландцементга модификацияланган минерал қўшимчалар таркибини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқилган технология аммиакли селитра ишлаб чиқаришини сифатли магнийли қўшимча, қишлоқ хўжалигини эса томчилаб суғоришда қўлланиладиган суяқ ўғит билан таъминлайди, тавсия этилган модификацияланган минерал қўшимчалар таркиби портландцемент ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли ошириш ва таннархини камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Арватен кони серпентинитини кислотали қайта ишлаш маҳсулотлари ва саноат чиқиндилари асосида минерал ўғитлар ва боғловчи материалларга ноорганик қўшимчалар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

цементларга минерал қўшимча олиш усулига Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан патент олинган (UZ IAP 05812, 2019й.). Натижада, чиқинди сифатида тўпланаётган пўлат эритиш саноати шлаки ва қўрғошин-цинк рудасининг флотацион чиқиндисини қайта ишлаш, шу орқали минтақада экологияни яхшилаш ҳамда цемент таннархини камайтириш имкони яратилган;

серпентинитни кислотали қайта ишлаш йўли билан магний оксидини олиш технологияси «Бекабад-Огнеупор» ҚКнинг «2021-2022 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати» га киритилган («Бекабад-Огнеупор» ҚКнинг 2021 йил 28 июндаги 104-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий хом ашёдан олинган магний гидроксиди ёки оксидини четдан келтириладиётган магнезит ва бруситга алмаштириш имконини берган;

пўлат эритиш ва қўрғошин-цинк ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида цементга минерал қўшимчалар тайёрлаш усули “ALBUS CEMENT GROUP” ҚҚ-МЧЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (“ALBUS CEMENT GROUP” ҚҚ-МЧЖнинг 2021 йил 21 августдаги 329-сон маълумотномаси). Натижада, цементлар маркасини пасайтирмаган ҳолда минерал қўшимчалар ассортиментини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жаъми 17 та илмий иш чоп этилган. Шундан, 5 та илмий мақола, (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «Сerpентинит жинсларини қайта ишлаш асосида магний бирикмалари ва боғловчи материалларга минерал қўшимчалар»да шарҳи келтирилган бўлиб, унда магний бирикмаларининг қўлланилиш соҳаси ва уларнинг хом ашё манбалари келтирилган. Сerpентинитни магний бирикмаларига қайта ишлаш усуллари таҳлил қилинган. Цемент таннархини камайтиришга имкон берадиган хомашё материаллар – турли хил тоғли жинслар, металлургия ва саноат чиқиндилари кўрилган. Модификацияланган қўшимчали цементларга таҳлил қилинган. Чоп этилган ишлар таҳлили мазкур ишнинг мақсад ва вазифаларини шакллантиришга имкон берган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Магний оксиди ва цементга минерал қўшимчалар олиш учун дастлабки хомашё материалларнинг тавсифи, ундан ташқари тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари»да таркиби (оғир.%): SiO_2 – 42,9; CaO – 4,76; Al_2O_3 – 2,20; Fe_2O_3 – 7,03; MgO – 39,7; NiO – 1,38; K_2O – 0,3; H_2O – 4,8 бўлган Арватен кони серпентинитининг, ҳамда таркиби 1-жадвалда келтирилган цемент учун минерал қўшимчалар: ФОСПП – «Узметкомбинат» АЖ пулат эритишдаги фракцион чиқинди (5 мм дан кичик), СОФ –кўрғошин-цинк рудасини бойитишдаги флотацион чиқинди (0-1 мм), КОКРС – серпентинитни кислотали парчалашдаги кремнийли қолдиқ (0,25 мм дан кичик), ПООК – Ангрен кони каолинини бойитишдаги кумли чиқиндиларнинг кимёвий ва минералогик таркиблари келтирилган.

1-жадвал


Саноат чиқиндиларининг кимёвий таркиби

Қўшимчалар	Компонентлар миқдори, оғир. %							
	SiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	CaO	MgO	SO_3	куй.йўқ.	Σ
ПООК	50,62	11,97	10,54	5,56	2,21	3,20	13,35	97,45
ФОСПП	18,60	5,22	20,10	41,58	12,55	0,15	3,05	100,0
СОФ	45,75	8,72	7,11	14,59	7,10	2,98	8,83	95,08
КОКРС	79,4	0,37	6,98	0,0061	4,24	1,74	6,95	99,68

Шарли тегирмонда майдалангандан кейин серпентинитнинг кукуни уйма зичлиги $1,5 \text{ г/см}^3$, ҳақиқий зичлиги $2,5 \text{ г/см}^3$ га тенг бўлади. Дастлабки серпентинит ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг фаза таркибини рентгенфазали усул ёрдамида аниқланди. Рентгенограммалар «Shimadzu XRD 6000» (Япония) дифрактометрида олинди.


Рентгенфазали таҳлил натижалари жинсда антигоритли кўринишдаги серпентинит мавжудлигини тасдиқламоқда (1-расм). Намунада $d = 7.249$ ва 3.633 \AA , лизардит-хризотил ва антигорит 2.149 \AA магнетит, 1.539 ; 1.532 ; 2.52 \AA

антигорит, 3.312Å форстерит учун хос бўлган энг интенсив чўққилар яққол ўзаро боғлиқлик кузатилади. Лизардитга ўхшаш хлоритнинг иштирокини $d = 4.585\text{Å}$ чўққиси намоён этган. Рентгенограммада 7.249; 3.633; 2.52Å рефлексларининг мажмуи антигорит мавжудлигини кўрсатади.



1-расм. Арватен кони серпентинитининг рентгенограммаси.

Ўрганилаётган намунада 3630-3753 cm^{-1} интервалдаги валентли тебранишларидаги (OH^-) иккита кенг бўлмаган чизиқларнинг (битта чизиғи елка кўринишда) иштироки жинсда нафақат антигорит микдорига боғлиқ бўлмасдан, балки ундан кўпроқ ҳолатда серпентинитнинг “бруситли” қатламида OH^- гуруҳининг икки ҳар хил ҳолатда мавжудлигидан далолат бермоқда (2-расм).




2-расм – Арватен кони серпентинитининг ИК-спектри.

OH^- ионларининг деформацион тебраниши 1620 cm^{-1} га мос келади. Si-O-Si валентли тебранишлар частотаси соҳасида 502-617 cm^{-1} оралиғидаги интенсив чизиқлар устундир. Уларда антигоритнинг тебранишлар частотаси

жойлашган. Антигоритдаги $1100-900\text{ см}^{-1}$ соҳасидаги Si-O валентли тебранишлар чизиғи 990 ва 1080 см^{-1} дуплет билан намоён бўлган, хризотил ва лизардит $883; 990$ ва 1080 см^{-1} триплетга хосдир. Антигоритдаги энг интенсив компонент – 990 см^{-1} чизиғи, хризотил ва лизардитда эса 833 см^{-1} . Mg-O нинг $617-500\text{ см}^{-1}$ яқинидаги деформацион тебранишлари антигорит ИК-спектрида яхши намоён бўлган ва у хризотил ва лизардитда ёпилиб қолган. 420 см^{-1} максимуми ҳолатидаги аниқ ифодаланган Si-O деформацион тебраниши хризотил учун хосдир.

Серпентинит ИК-спектри Irtacer 100 (Shimadzu, Япония) спектрометрида $400-4000\text{ см}^{-1}$ частота оралиғида суратга олинди.

Серпентинитга термик ишлов беришда сув йўқолиши ва аморф метасерпентинитнинг оралиқ фазаси орқали тузилишининг форстеритга кетма-кет айланиши содир бўлади. Серпентинитнинг дегидаратация жараёни $400-600^\circ\text{C}$ да бошланади:



Экзотермик эффектга ўтадиган серпентинит дегидаратациясининг бош эндоеффекти ($657-731^\circ\text{C}$) форстерит аморфланиши ($809-833^\circ\text{C}$) ва клиноэнстатит кристаллари ҳосил бўлиши билан кетади. ТГ чизиғи бўйича қараганда аморфизация жараёни тахминан 950°C гача давом этади. $50-1000^\circ\text{C}$ ҳароратлар оралиғида массанинг умумий йўқолиши $10,47\%$ ни ташкил этди.

Ўтказилган физик-кимёвий таҳлиллар асосида Арватен кони серпентинитининг минерал таркиби ҳисобланди. Таҳлилга кўра, серпентинитли руда таркибида 75% $\text{Mg}_8[\text{Si}_2\text{O}_3](\text{OH})_4$ (антигорит); $3-5\%$ $\text{Mg}_3[\text{Si}_2\text{O}_5](\text{OH})_4$ (хризотил); $10-15\%$ $\text{Mg}_3\text{Si}_4\text{O}_{10}(\text{OH})_2$ (талък), $0,5-1\%$ MgCO_3 (магнезит), хромит FeCr_2O_4 ва NiS никел сульфиди боғланган $3-5\%$ $\text{FeO}\cdot\text{Fe}_2\text{O}_3$ (магнетит) минераллар рудасидан иборатдир.





Кимёвий таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, шлаклар ўзининг таркибида SiO_2 ; Al_2O_3 ; Fe_2O_3 ; CaO ; MgO , SO_3 ва бошқалар каби асосий бирикмалар тутган (1-жадвал). Юқорида қайд этилган барча элементлар қурилиш материаллари ишлаб чиқариши учун асосий компонентлар ҳисобланади.

Серпентинит, иккиламчи чиқинди, оралиқ ва тайёр маҳсулотларнинг ҳар хил компонентларига кимёвий таҳлил маълум бўлган усуллар бўйича ўтказилди. Оралиқ маҳсулотлар сувли суспензияларининг рН кўрсаткичини ўлчашни ЭСЛ 63-07, ЭВЛ-1М3.1 ва ТКА-7 электрод системали И-130М иономерида амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби «Арватен кони серпентинитини магний оксидига сульфат- ва нитратксилотали комплекс қайта ишлаш технологияси» бир вақтнинг ўзида аморф ҳолатдаги кремнийли қолдиқ ва

темир тутган концентрат олиш орқали серпентинитни магний оксиди ва суюқ ўғитларга кислотали қайта ишлаш жараёнини ўрганишга бағишланган.

Лаборатория шароитида Арватен серпентинига ишлов бериш учун 20 %-ли концентрациядаги сульфат кислотаси олинди. Унинг меъёри MgO, CaO, Fe₂O₃ ва Al₂O₃ компонентларини парчалошга стехиометриядан 90 дан 120 % гача ўзгартирилди. Бунда серпентинит гуруҳидаги минераллар (антигорит, хризотил, тальк, магнезит) куйидаги реакциялар бўйича парчаланди:






Зарралари 0,25 мм дан кичик ўлчамгача майдаланган серпентинитни парчалош жараёни лаборатория қурилмасида ўтказилди. Сульфат кислотаси барча меъёрида ҳарорат доимий ва 95°C га тенг. Аралаштиргич айланиш тезлиги – 250 айл./дақиқа. Компонентлар ўзаро таъсирлашиши 120 дақиқа давомида борди. Жараён тугаши билан реакция масса суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратилди. Фильтрдаги чўкма белгиланган ҳароратда сув билан икки марта ювилди ва 105°C да доимий оғирликгача қуритилди.

Аниқландики, сульфат кислотаси меъёри қанча кўп бўлса, компонентларнинг суюқ фазага ўтиш даражаси шунча юқори бўлади. Масалан, сульфат кислотаси меъерининг 90 дан 120 % гача ошиши билан CaO нинг суюқ фазага чиқими 93,57 дан 97,09 % гача, Al₂O₃ 92,94 дан 95,08 % гача, Fe₂O₃ 93,0 дан 96,48 % гача ва MgO 91,53 дан 95,13 % гача ортади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, 10% га яқин SiO₂ суюқ фазага ўтади.

Чўкмаларда 73,9-75,13 % SiO₂, 2,07-2,1 % CaO, 0,36-0,42 % Al₂O₃, 0,94-1,3 % Fe₂O₃ ва 3,75-6,04 % MgO мавжуд. Уларни қурилиш материали сифатида ишлатиш мумкин, бу эса ишнинг 4-чи бобида кўзда тутилган.


Серпентинитни сульфаткислотали парчалош жараёнини жадаллаштириш мақсадида жараён 50 %-ли HNO₃ қўшимчаси билан олиб борилди. Бунда куйидаги реакциялар содир бўлади:



Таҷрибалар ўтказиш усули дастлабкига ўхшашдир. Фарқли ўларок, HNO₃ йўқолишни бартараф этиш учун нитратсульфат кислотали қайта ишлаш 30 дақиқада 45-50°C дан юқори бўлмаган ҳароратда ўтказилди, ундан кейин 95°C гача кўтарилди ва жараён 90 дақиқа давом этди. Бунда компонентлар ўзаро таъсирлашув умумий вақти 120 дақиқани ташкил этади. H₂SO₄ ни HNO₃ га стехиометриядан 20 дан 40 % гача алмаштириш MgO нинг суюқ фазага ўтиш чиқимини 94,48 дан 95,79 % гача оширади (3-расм). Бу ҳолатда ушбу қиймат SiO₂ учун 8,72 дан 10,08 % га ташкил этади (расмда келтирилмаган).

Бунда аморф кремнийли қолдиқ таркиби 78,9 % SiO₂, 0,35 % Al₂O₃, 0,97 % Fe₂O₃, 1,63 % CaO ва 4,83 % MgO дан иборат (2-жадвал). У портландцементга минерал қўшимча сифатида тавсия этилади.

Кейинчалик иккинчи босқич – магний сульфати ва нитрати эритмасидан оғир металлларни чўктириш мақсадида рН = 7,5 гача аммонийлаштириш бажарилди.



3-расм. Сульфат ва нитрат кислоталари меъёрига боғлиқ равишда серпентинит компонентларининг суюқ фазага ўтиш даражаси.

2-жадвал

Сульфат ва азот кислоталари аралашмаси билан серпентинитни парчалаб олинган маҳсулотлардаги чўкмаларнинг таркиби

H ₂ SO ₄ : HNO ₃ меъёрлари нисбати	Чўкмалардаги компонентлар миқдори, оғир. %						
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	куй.йўқ
Серпентинитни нитратсульфат кислотали парчалаш ва 105°C да қуритишдан кейин олинган кремнийли қолдиқ							
90 : 20	78,9	0,34	0,97	1,63	2,26	5,5	10,3
80 : 30	78,04	0,35	0,95	1,56	4,48	4,96	10,1
70 : 40	78,6	0,35	0,97	1,51	4,83	3,56	10,12
Магний нитрати ва сульфати эритмасини аммонийлаштириш (при рН=8,5) ва 105°C да қуритишдан кейин олинган оғир металллар чўкмаси							
90 : 20	8,45	12,46	39,59	4,39	5,46	8,33	21,72
80 : 30	9,11	12,95	41,03	4,53	6,28	7,68	19,97
70 : 40	9,98	13,39	42,78	4,67	7,9	6,88	17,69
Магний ва аммоний нитрати ва сульфати эритмасини аммонийлаштириш (рН=11-11,5) ва 800°C да қуйдиришдан кейин олинган магний оксиди кукуни							
90 : 20	-	0,171	0,828	0,227	97,13	0,7	1,7
80 : 30	-	0,173	0,819	0,237	97,27	0,7	1,68
70 : 40	-	0,181	0,815	0,243	97,37	0,8	1,76

Намуналарнинг кимёвий таҳлили кўрсатдики, чўкмалар таркиби 39,59 дан 42,78 % гача Fe₂O₃, 12,46 дан 13,39 % гача Al₂O₃, 4,39 дан 4,67 % гача CaO, 5,46 дан 7,9 % гача MgO ва 8,45 дан 9,98 % гача SiO₂ дан иборат.


Чўкмалар металлургия учун темир тутган концентрат бўлади. 2-чи чўкма таркибига ўтган эрувчан кремний суюқ шиша ёки тоза кремний оксиди олиш учун муҳим компонент ҳисобланади.

Яқуний вазифа аммоний карбонатини қўллаш орқали 2-чи босқичдан келган эритмани $pH = 11-11,5$ гача нейтраллаш йўли билан магний оксиди ва аммоний нитрати ва сульфати эритмасини олиш бўлди. Бунда концентрацияси 17 % N тутган суюқ азотли ўғит ҳисобланган аммоний нитрати ва сульфати, ҳамда $Mg(OH)_2$ чўкмаси олинди. Бу ҳолатда чўкмага Al_2O_3 ; Fe_2O_3 ; CaO ва MgO ўтиш даражаси мос равишда 2,14-2,98; 4,12-4,49; 2,57-3,05 ва 86,38-92,68 %.

($Mg(OH)_2$ тузли таркибини аниқлаш мақсадида (80 % H_2SO_4 +30 % HNO_3) 110 % меъёрада олинган кукуннинг рентгенограммаси туширилди. Рентгенограммада фақат магний гидроксидига хос бўлган 4.783, 2.719, 2.368, 1.797, 1.573, 1.495, 1.376 ва 1.31Å интенсив чўққилари аниқ намоён бўлган.

Магний оксидини (периклаз) олиш учун магний гидроксиди кукунларини 800°C ҳароратда куйдиришга учратилди. Кислоталарнинг танланган мақбул меъёрида (80 % H_2SO_4 +30 % HNO_3) тайёр маҳсулотда 97,3 % MgO бўлиб, кам миқдордаги қўшимчалар 0,173 % Al_2O_3 , 0,819 % Fe_2O_3 , 0,237 % CaO, 0,7 % SO_3 мавжуд, бунда SiO_2 умуман йўқ (2-жадвал).

Периклаз рентгенограммасида ёрқин намоён бўлган дифракцион максимумлар 2.101, 1.488, 1.269 ва 1.215Å магний оксидга таълуқлидир (3-расм). 3,594, 3,514 ва 2,248Å чизиқлари кальций, темир ва алюминий оксидларига тегишли бўлиши мумкин, аммо улар жуда камдир.



3-расм. Серпентинитдан олинган магний оксид рентгенограммаси.

Лаборатория тадқиқотлари асосида Арватен серпентинитини магний оксидига қайта ишлашнинг технологик тизими тавсия этилди (4-расм)

Тақдим этилган тизим асосида анъанавий технология бўйича серпентинитга кислотали ишлов бериш орқали магний оксидини олиш ҳисобланади, бу ерда асосий босқичлар серпентинитни парчалаш; кремний қолдиқни филтрация ёрдамида ажратиш; магний сульфати ва нитрати эритмасини $pH = 7,5$ гача аммонийлаштириш орқали темирли концентратни

чўктириш; магний ва аммоний нитрати ва сульфати эритмасини $pH=11-11,5$ гача аммонийлаштириш орқали магний гидроксиди чўкмасини олиш; магний оксидини олиш учун магний гидроксиди кукунини қуритиш ва қўйдириш; аммоний нитрати ва сульфати эритмасини суюқ ўғитларга қайта ишлаш ҳисобланади.

Лаборатория тадқиқотларига асосланган ҳолда «Бекабад Огнеупор» ҚК тажриба қурилмасида магний оксидини олиш усули синовдан ўтказилди. Синовлар жараёнида 100 кг маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда қўшимча маҳсулотлар сифатида аммоний сульфат-нитрати эритмаси, металллар ва кремнезем (кремний икки оксиди) олинди. Синовлар натижасида ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ҳисобланди.

Техник-иқтисодий ҳисоблар кўрсатдики, 1 тонна MgO – 97,6 ва MgO – 97,3 маркалардаги магнезия таннархи мос равишда 3 000 000 и 3 500 000 сўм, бу четдан келтириладиган магнезитдан 3 420 000 ва 2 920 000 сўмга арзондир.

Бунда қўшимча равишда қиймати 46 348 ва 77 909 сўм бўлган аммоний сульфати ва нитрати эритмалари (14,5 ва 17,6 % N) олинади. Уларни қишлоқ хўжалигида томчилаб суғоришда самарали қўллаш мумкин.

Бундан ташқари, кислотали парчалошда кремний қолдиқ ҳосил бўлади, уни портландцементга минерал қўшимча сифатида ишлатиш мумкин. Биринчи босқичли чўктириш жараёнида ($pH=7,5$ да) таркибида 11-12 % Al_2O_3 ва 36-41 % Fe_2O_3 бўлган алюминий ва темирли кек ажратиб олинади. У металлургия учун концентрат сифатида тавсия этилади.

Тўртинчи боб «**Саноат ва металлургия чиқиндилари фойдаланиш орқали қўшимчали цемент олиш технологияси**»да цемент клинкерини гипс ва гидравлик фаолликка эга минерал қўшимчалар (МК) билан биргаликда майдалаш йўли билан қўшимчали цементлар ишлаб чиқилган. Цементга МК сифатида таркиби 1-жадвалда келтирилган чиқиндилар ишлатилди.

Тавсия этилган МКларнинг гидравлик фаоллиги аниқланди. Кўрсатдики, клинкер + КОКРС аралашмаси учун Стюдент мезони (t) бўйича фаоллик $t = 5,6$ ташкил этади. Бошқа минерал қўшимчалар: ФОСПП, СОФ ва $800^{\circ}C$ да термик ишлов берилган ТООК учун ушбу қиймат 5,9, 6,1 ва 7,5, бу эса $O'zDSt 901-98$ (2,7 дан кам бўлмаслиги лозим) талабларига мувофиқ келади. Яъни улар мустаҳкамлик бўйича фаоллик синовига бардош беради ва уларни умумқурилиш портландцемент ишлаб чиқаришида фаол минерал қўшимчалар сифатида ишлатиш мумкин.

Тавсия қилинадиган таркибдаги цемент тайёрлаш учун $OzDSt 2801-2013$ бўйича 500 маркали клинкер, $OzDSt 960-96$ бўйича гипсли тош, ФОСПП (TSh 64-00186200-01:2011 бўйича) ва СОФдан ташкил топган МК, ундан ташқари КОКРС ва ФОСПП асосида МК. Бунда МК иссиқ клинкерга тўғридан-тўғри қўшилади. Тажриба намуналарининг таркиб ва хоссалари 3-жадвалда келтирилган.

Ундан кўринмоқдаки, СОФ ва ФОСПП кўрсатилган нисбатлардаги тавсия этиладиган қўшимчалар 15 дан 25 % гача цемент таркибига киритилганда (1-7 рақам остидаги таркиблар) олинган цемент мустаҳкамлиги камаймайди. МК миқдорини 32 оғир. % гача оширганда ёки МК таркибидаги

Тавсия этилган минерал қўшимчалар таркиби ва тавсия этилган қўшимчаларнинг синов натижалари

Намуна	МҚ таркиби, %	Цемент таркиби, %	Қотиш муддати, дақиқа		Сиқилишдаги мустаҳкамлик, МПа	Цемент маркаси	Совуққа чидамлилиқ, цикл
	СОФ : ФОСПП	Клинкер : МД	Бошл..	Тугалл.			
1	33 : 67	85 : 15	70	135	50,9	500	70
2	45 : 55	82 : 18	72	138	49,5	500	75
3	55 : 45	82 : 18	70	136	50,1	500	75
4	50 : 50	80 : 20	73	140	51,9	500	75
5	60 : 40	75 : 25	75	140	51,3	500	75
6	68 : 32	78 : 22	68	135	50,6	500	75
7	75 : 25	80 : 20	70	139	49,9	500	75
8	80 : 20	75 : 25	69	135	47,9	400	75
9	83 : 17	70 : 30	70	140	45,6	400	65
10	78 : 22	68 : 32	72	150	46,5	400	65
11	74 : 26	73 : 27	69	138	46,0	400	75
КОКРС : ФОСПП							
12	50 : 50	85 : 15	74	135	48,5	500	70
13	60 : 40	80 : 20	67	140	49	500	75
14	70 : 30	75 : 25	63	142	52	500	75

СОФ миқдорини 75 оғир. % оширганда «500» маркадаги клинкердан 46,0-47,9 МПа мустаҳкамликка эга цемент олиш мумкин, бунда цемент «400» маркага мос келади (8-11 рақам остидаги таркиблар). Клинкерга 50:50, 60:40 ва 70:30 нисбатларда КОКРС ва ФОСПП дан 15 дан 25 % гача қўшилганда эса унинг «500» маркасини сақлаб қолади.

Олинган намуналарнинг совуққа чидамлилиги кетма-кетликдаги музлатиш ва эритиш вақтида 65-75 цикл оралиғида ётади.

Шундай қилиб, МҚ таркибида базальт ўрнига кўрғошин-цинк рудасининг флотацион чиқиндиси, пўлат эритиш корхонаси фракцион чиқиндиси ва серпентинитни кислотали парчалашдаги кремнийли қолдиқни фойдаланиш цементни майдалашдаги энергияни иқтисод қилинишига олиб келинади, чунки улар майда фракцияларда намоён бўлган, бунинг барчаси МҚ ва шу билан биргаликда портландцемент таннархини камайтиради.

Кейинги вазифа гидравлик фаолликни ва каолинни бойитишнинг қумли чиқиндиси – ПООКни фойдаланишни таъминлайдиган цемент учун таркиб ишлаб чиқишга қаратилди. Цементга қўшимча тайёрлаш усули ТООКга 600-850°C да термик ишлов беришни ўз ичига олади. Аниқландики, СаОни ютиш қобилияти 800°C да кескин ўзгарувчи нукта эга бўлади (1г хомашёга нисбатан 59,3 мг), бу эса мақбул ҳарорат ҳисобланади. Кўрсатдики, каолин қумини куйдиришда каолинга хос бўлган 7.22 ва 2.46Å чўққилари йўқолади ва $Al_2Si_2O_7$ – метакаолинга мос келувчи 3.35Å чўққиси пайдо бўлади.

Қўшимчасиз цемент 28 суткадан кейинги сувли қотишдан сўнг сиқилишда 42,2 МПа мустаҳкамликка эга бўлади ва «400» маркага мос келади. ТООКни (термик ишлов берилган ТООК) 5-20 оғир. % миқдорда қўшиш мустаҳкамлик хоссаларини камайтирмайди, баъзи ҳолатларда эса 5 % гача оширади. Цемент таркибида ТООКнинг мақбул миқдори 15-20 оғир. %

ҳисобланади. Бунда цементнинг мустаҳкамлиги «400» маркага мос келади. Қўшимчанинг миқдорини ошириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки цемент маркази пасайиши кузатилади. ТООКни бошқа маълум қўшимчалар билан бирлаштириш мумкин. ТООК ва ФОСПП биргаликда қўллашда, ФОСПП қўшимчасининг улуши 5-20 % оралиғида бўлиш мумкин.

Олинган натижалар асосида ТООКни тайёрлаш ва цемент клинкерига МҚ қўшишнинг блок-тизими тавсия этилди. Техник-иқтисодий ҳисоблар шуни кўрсатдики, МҚ сифатида 20 % ТООК қўллаш 1 тонна цемент таннархини 36 600 сўм, 15 % СОФ+ФОСПП қўллаш 38 210 сўм, 15 % КОКРС+ФОСПП қўллаш 37 970 сўмга камайтиради. Йилига 100 минг тонн цемент ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самарадорлик мос равишда 3,66, 3,21 и 3,97 млрд. сўмни ташкил этади.

Шундай қилиб, тавсия қилинаётган қўшимчалар ва цементга қўшимчалар тайёрлаш усуллари саноат чиқиндиларини фойдаланишга кенг имконият очади, ундан ташқари цемент маҳсулотларининг физик-механик хоссаларини барқарорлаштиради.

ХУЛОСА

Диссертация иши бажарилишида олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. Кимёвий, рентгенографик, ИК-спектроскопик ва термик усуллари таҳлили асосида Арватен серпентинитининг минералогик таркиби аниқланди. Таҳлилга кўра, серпентинитли руда таркиби 75 % $Mg_8[Si_2O_3](OH)_4$ (антигорит); 3-5 % $Mg_3[Si_2O_5](OH)_4$ (хризотил); 10-15 % $Mg_3Si_4O_{10}(OH)_2$ (талък), 0.5 -1 % $MgCO_3$ (магнезит), хромит $FeCr_2O_4$ ва NiS никел сульфиди боғланган 3-5 % $FeO \cdot Fe_2O_3$ (магнетит) лардан иборатдир.

2. Арватен серпентинит унини сульфат- ва нитратсульфат кислотали парчалаш жараёни ўрганилди. Серпентинит кислотада эрувчан компонентларининг парчаланишидаги максимал даражаси (95,98 %) сульфат ва нитрат кислоталари аралашмасидан фойдаланганда эришилди. Жараённинг мақбул шароитлари сифатида қуйидаги параметрлар: $H_2SO_4:HNO_3$ нисбати 80:30; қўлланилган кислоталар концентрацияси – 20 ва 50 %; кислоталарнинг умумий сарф меъёри – 110 % стехиметриядан; парчаланиш давомийлиги – 120 дақиқа тавсия этилади.

3. Серпентинитнинг кислотали парчаланиш маҳсулотларидан эримайдиган қолдиқ ажратиб олинди. Бу босқичда ажратилган қаттиқ фаза – 78,9 SiO_2 ва 4,5 % MgO тутган кремнийли чўкма қурилиш материали сифатида тавсия этилади. Иккинчи босқичда ювишга ишлатилган сув билан филтратни $pH = 7,5$ гача аммонийлаштириш йўли билан таркибида 41 % Fe_2O_3 , 13 % Al_2O_3 , 9 % MgO ва 9 % SiO_2 бўлган чўкма ажратиб олинди. Чўкманинг кремний қисми суюқ шиша ёки тоза кремний оксиди учун муҳим компонент, қолган қисми эса металлургия учун хомашё ҳисобланади.

4. Охирги босқичда магний ва аммоний сульфати ва нитрати рН = 11-11,5 аммонийлаштирилди. Натижада таркибида 17 % N тутган суюқ ўғит ва Mg(OH)₂ (брусит) чўкмаси олинди. Бруситга 800°C да термик ишлов бериш технологик чиқими 93 % бўлган таркибида 97,3 % тутган MgO олишга имкон берди. Ушбу маҳсулот аммиакли селитра ишлаб чиқариши учун сифатли қўшимча ҳисобланади.

5. Арватен кони серпентенитини магний оксидига сульфат- ва нитраткислотали қайта ишлашнинг технологик тизими ишлаб чиқилди ва моддий баланси ҳисобланди. Техник-иқтисодий ҳисоблар шуни кўрсатдики, 1 тонна MgO – 97,6 ва MgO – 97,3 маркалардаги магнезия таннархи мос равишда 3 000 000 и 3 500 000 сўм, бу четдан келтириляётган магнезитдан 3 420 000 ва 2 920 000 сўмга арзон ҳисобланади.

6. Саноат чиқиндилари – ФОСПП, СОФ, КОКРС, ТООК лар портландцемент клинкерига минерал қўшимча сифатида қўлланилди. Каолиннинг кумли чиқиндисида 800°C да термик ишлов бериш цемент минералларини гидратациясида ажралиб чиқаётган фаол шаклдаги СаО ни боғлашга ёрдам беради, ТООК таркибидаги гилли минераллар эса тузилиш ўзгаришларига учрайди, яъни каолинит анча фаол шакл – метакаолинитга ўтади. Цемент клинкерига қўшимчаларнинг мақбул миқдори 15-25 % ҳисобланади. Бунда цемент маркази пасаймайди, аксинча цемент мустаҳкамлиги ортади.

7. Олинган натижалар асосида ТООКни тайёрлаш ва цемент клинкерига МК қўшишнинг блок-тизими тавсия этилди. Техник-иқтисодий ҳисоблар шуни кўрсатдики, МК сифатида 20 % ТООК қўллаш 1 тонна цемент таннархини 36 600 сўмга, 15 % СОФ+ФОСПП қўллаш 38 210 сўмга, 15 % КОКРС+ФОСПП қўллаш 37 970 сўмга камайтиради.

8. Арватен серпентинитини кислотали қайта ишлаш йўли билан магний оксидини олиш технологияси “Бекабад-Огнеупор” ҚҚда, портландцементга модификацияланган минерал қўшимчалар таркиби эса “ALBUS CEMENT GROUP” ҚҚ-МЧЖда синовдан ўтказилди ҳамда маҳсулотларнинг тажриба партияси ишлаб чиқарилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.20.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
КАРАКАЛПАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ПИРИМОВ ТУЙЧИ ЖУМАЕВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ НЕОРГАНИЧЕСКИХ ДОБАВОК К
ВЯЖУЩИМ МАТЕРИАЛАМ И МИНЕРАЛЬНЫМ УДОБРЕНИЯМ НА
ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.4.PhD/Т1918 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.karsu.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель:

Сейтназаров Атаназар Рейпназарович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Сабиров Бахтиёр Тохтаевич
доктор технических наук

Алланиязов Давран Оразымбетович
доктор философии по техническим наукам (PhD)

Ведущая организация:

Навоийский государственный горный институт

Защита диссертации состоится « 04 » декабря 2021 году в « 10⁰⁰ » часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 при Каракалпакском государственном университете по адресу: 230112, г.Нукус, ул. Ч.Абдирова, 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: info@karsu.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета за №52, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, 1); тел.: (99861) 223-60-47.

Автореферат диссертации разослан « 22 » ноября 2021 года
(реестр протокола рассылки № 3 от « 22 » ноября 2021 года.



Реймов А.М.

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Курбаниязов Р.К.

ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, к.т.н., доцент

Туремуратов Ш.Н.

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировой анализ тенденции развития производства соединения магния показывает, что значительное внимание уделяется повышению качества продуктов при одновременном снижении их себестоимости. Современные же уровни развития ряда технологических процессов требуют производства оксида магния с чистотой не менее 97-98 %. В условиях дефицита чистого оксида магния необходимо комплексная кислотная переработка местных силикатомагниевого, в том числе серпентинитовых руд, запасы которых очень велики. Представляет также интерес использование кремнистого остатка на основе кислотного разложения серпентинита, шлаков металлургии и каолинового песка в качестве минеральных добавок к портландцементу, не понижающие при этом его марку, а снижающие себестоимость готовой продукции.

В мире ведутся научные исследования по разработке технологии получения оксида магния и минеральных добавок к цементу на основе местных сырьевых ресурсов и промышленных отходов. В этом аспекте при разработке технологии комплексной переработки высококремнистого серпентинита с высоким содержанием магния, включающий стадии кислотного выщелачивания сырья уделяется особое внимание выполнению следующих научно-технических решений: выделению кремнистого остатка, железосодержащего концентрата, гидроксида магния, термообработки гидроксида магния с получением жжёной магнезии, а также разработке состава модифицированных минеральных добавок к портландцементу на основе кремнистого остатка серпентинита, каолинового песка, шлаков сталеплавильного и свинцово-цинкового производства.

В Республике на основе реализации широкомасштабных мероприятий достигнуты существенные результаты в области освоения и разработки новых месторождений. В третьем направлении Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотренной в 2017-2021 гг. отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»². В этом плане важное значение приобретает разработка технологии кислотной переработки Арватенского серпентинита на оксид магния и жидкие удобрения, а также состава модифицированных минеральных добавок к портландцементу на основе промышленных отходов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях

² Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

Президента Республики Узбекистан ПП-3698 от 07 мая 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики», ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В литературе имеется обширный научный материал по получению магниевых соединений из морских вод, рапы и рассолов озер (Курнаков Н.С., Жемчужный С.Ф., Бергман А.Г., Дзенс-Литовский А.И., Соколов И.Д., Martinac V., Labor M., Shand M.A., Kramer D.A., Мирзакулов Х.Ч., Тожиев Р.Р., Бобокулова О.С., Кучаров Б.Х., Эркаев А.У.). Гидроксид и оксид магния, получаемые из таких источников характеризуется высоким качеством (97-99% MgO). Однако процесс их переработки представляется сложным. Для производства магния в качестве сырья могут быть доломиты, запасы которых неисчерпаемы (Мирзакулов Х.Ч., Михлиев О.А., Адылов Ж.). Но из доломита невозможно получить чистый оксид магния термическим или химическими методами, что связано загрязнением состава товарного продукта с соединениями кальция и др.

